

ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AXBOROTNOMASI**



**ВЕСТНИК**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

**«Zamonaviy pediatriyaning  
dolzarb muammolari:  
bolalar kasalliklari diagnostikasi va  
davosining yangi imkoniyatlari»**  
mavzusidagi III-xalqaro ilmiy-amaliy anjumanga  
bag'ishlangan

**MAXSUS SON**

**2024**

TOSHKENT


ISSN 2181-7812



9 772181 781009

2011 йилдан чиқа бошлаган

# TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI АХБОРОТНОМАСИ



## ВЕСТНИК

ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

«Zamonaviy pediatriyaning  
dolzarb muammolari: bolalar  
kasalliklari diagnostikasi va  
davosining yangi imkoniyatlari»

**mavzusidagi III-xalqaro ilmiy-amaliy  
anjumanga bag'ishlanga**

**MAXSUS SON**

**I qism**

Тошкент



*Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе*

*редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии*

*Начальник отдела: М. Н. Аслонов*

*Редактор русского текста: О.А. Козлова*

*Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева*

*Редактор английского текста: А.Х. Жураев*

*Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева*

*Учредитель: Ташкентская медицинская академия*

*Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации*

*Регистрационное свидетельство 02-00128*

*Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013года*

*реестром ВАК в раздел медицинских наук*

*Рукописи, оформленные в соответствии*

*с прилагаемыми правилами, просим направлять*

*по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,*

*Главный учебный корпус ТМА,*

*4-й этаж, комната 444.*

*Контактный телефон: 214 90 64*

*e-mail: rio-tma@mail.ru*

*rio@tma.uz*

*Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.*

*Гарнитура «Cambria».*

*Тираж 150.*

*Цена договорная.*

*Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА.*

*100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.*

*Вестник ТМА 2024*  
**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**

**Главный редактор**

проф. А.К. Шадманов

**Заместитель главного редактора**

проф. О.Р.Тешаев

**Ответственный секретарь**

проф. Ф.Х.Иноятова

**ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ**

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

проф. Жае Вук Чои (Корея)

акад. Каримов Ш.И.

проф. Татьяна Силина (Украина)

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Людмила Зуева (Россия)

проф. Метин Онерчи (Турция)

проф. Ми Юн (Корея)

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

проф. Саша Трескач (Германия)

проф. Шайхова Г.И.

**Члены редакционного совета**

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Хамдамов Б.З. (Бухара)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

---

*Herald TMA 2024*

**EDITORIAL BOARD**

**Editor in chief**

prof. A.K. Shadmanov

**Deputy Chief Editor**

prof. O.R. Teshayev

**Responsible secretary**

prof. F.Kh. Inoyatova

**EDITORIAL TEAM**

academician Alyavi A.L.

prof. Bilalov E.N.

prof. Gadaev A.G.

prof. Jae Wook Choi (Korea)

academician Karimov Sh.I.

prof. Tatyana Silina (Ukraine)

academician Kurbanov R.D. prof. Lyudmila Zueva (Russia)

prof. Metin Onerc (Turkey)

prof. Mee Yeun (Korea)

prof. Najmutdinova D.K.

prof. Salomova F.I.

prof. Sascha Treskatch (Germany)

prof. Shaykhova G.I.

**EDITORIAL COUNCIL**

DSc. Abdullaeva R.M.

prof. Akilov F.O. (Tashkent)

prof. Allaeva M.D. (Tashkent)

prof. Khamdamov B.Z. (Bukhara)

prof. Iriskulov B.U. (Tashkent)

prof. Karimov M.Sh. (Tashkent)

prof. Mamatkulov B.M. (Tashkent)

prof. Okhunov A.A. (Tashkent)

prof. Parpieva N.N. (Tashkent)

prof. Rakhimbaeva G.S. (Tashkent)

prof. Khamraev A.A. (Tashkent)

prof. Kholmatova B.T. (Tashkent)

prof. Shagizatova B.X. (Tashkent)

*Journal edited and printed in the computer of Tashkent  
Medical Academy editorial department*

*Editorial board of Tashkent Medical Academy*

*Head of the department: M.N. Aslonov*

*Russian language editor: O.A. Kozlova*

*Uzbek language editor: M.G. Fayzieva*

*English language editor: A.X. Juraev*

*Corrector: Z.T. Alyusheva*

*Organizer: Tashkent Medical Academy*

*Publication registered in editorial and information  
department of Tashkent city*

*Registered certificate 02-00128*

*Journal approved and numbered under the order 201/3 from 30 of  
December 2013 in Medical Sciences DEPARTMENT OF SUPREME ATTESTATION*

COMMISSION

COMPLETED MANUSCRIPTS PLEASE SEND following address:

*2-Farobiy street, 4 floor room 444. Administration building of TMA.  
Tashkent. 100109, Toshkent, ul. Farobi, 2, TMA bosh o'quv binosi, 4-qavat,  
444-xona.*

*Contact number: 71- 214 90 64*

*e-mail: rio-tma@mail.ru. rio@tma.uz*

*Format 60x84 1/8. Usl. printer. l. 9.75.*

*Listening means «Cambria».*

*Circulation 150.*

*Negotiable price*

*Printed in TMA editorial and publisher department risograph*

*2 Farobiy street, Tashkent, 100109.*

## СОДЕРЖАНИЕ

### Новые педагогические технологии

|  |   |   |
|--|---|---|
| Azizova F.L., Avezova G.S., Dusmatova M.B., Ataeva G.I. INNOVATION PEDAGOGIK USULLARNI JORIY ETISH ORQALI TALABALAR BILIM, MALAKA, KO'NIKMALARINI OSHIRISH | Azizova F.L., Avezova G.S., Dusmatova M.B., Ataeva G.I. IMPROVING THE KNOWLEDGE, SKILLS AND SKILLS OF STUDENTS BY IMPLEMENTING INNOVATIVE PEDAGOGICAL METHODS | 8 |
|--|---|---|

### Обзоры

|   |  |    |
|---|--|----|
| Абдуллаева Д.Т., Акрамхужаева А.Б. ИЗУЧЕНИЕ СВЯЗИ ПРИЗНАКОВ ПОЛОВОГО СОЗРЕВАНИЯ У ДЕВОЧЕК-ПОДРОСТКОВ С БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМОЙ  | Abdullaeva D.T., Akramkhuzhaeva A.B. STUDY OF THE CONNECTION BETWEEN SIGNS OF PUBERTY IN ADOLESCENT GIRLS WITH BRONCHIAL ASTHMA  | 12 |
| Абдуллаева М.М. ЭНДОКРИННЫЕ НАРУШЕНИЯ ПРИ ПОСТКОВИДНОМ СИНДРОМЕ У ДЕТЕЙ   | Abdullaeva M.M. ENDOCRINE DISORDERS IN POST-COVID SYNDROME IN CHILDREN   | 15 |
| Абролов Х.К., Ирисов О.Т., Холмуротов А.А., Рахимбергганов Х.Р. НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ДИАГНОСТИКЕ И ХИРУРГИЧЕСКОМ ЛЕЧЕНИИ АНЕВРИЗМЫ ВОСХОДЯЩЕЙ ЧАСТИ АОРТЫ                               | Abrolov X.K., Irisov O.T., Holmurotov A.A., Rahimbergganov X.R. NEW TECHNOLOGIES IN DIAGNOSIS AND SURGICAL TREATMENT OF ASCENDING AORTIC ANEURYSM  | 18 |
| Бабаджанова Ф.Р. СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА КИШЕЧНУЮ МИКРОБИОТУ У ДЕТЕЙ С СЕРДЕЧНЫМИ ПАТОЛОГИЯМИ  | Babadzhanova F.R. MODERN VIEWS ON INTESTINAL MICROBIOTA IN CHILDREN WITH CARDIAC PATHOLOGIES   | 23 |
| Bobomuratov T.A., Bakirova M.A., Karimova N.A., Abdullayeva M.M. BOLALARDA KORONAVIRUS INFEKSIYASIDAN SO'NG TIKLANISH DAVRIDA GEMOSTAZ TIZIMINING HOLATI                              | Bobomuratov T.A., Bakirova M.A., Karimova N.A., Abdullayeva M.M. STATE OF HEMOSTASIS SYSTEM DURING RECOVERY AFTER CORONAVIRUS INFECTION IN CHILDREN  | 25 |
| Bobomuratov T.A., Davletova F.O., Avezova G.S. BOLALARDA O'TKIR BRONXIOELITNING DIFFERENTIAL - DIAGNOSTIK MEZONLARI   | Bobomuratov T.A., Davletova F.O., Avezova G.S. DIFFERENTIAL DIAGNOSTIC CRITERIA FOR ACUTE BRONCHIOLITIS IN CHILDREN  | 29 |
| Bobomuratov T.A., Davletova F.O., Avezova G.S. KO'KRAK YOSHDAGI BOLALARDA O'TKIR BRONXIOELITRIVOJLANISHINING ETIOPATOGENEZI, KLINIKASI VA DAVOSINI O'RGANISHGA ZAMONAVIY YONDOSHUVLAR | Bobomuratov T.A., Davletova F.O., Avezova G.S. MODERN APPROACHES TO STUDYING ETIOPATHOGENESIS, CLINICAL CLINICS AND TREATMENT OF ACUTE BRONCHIOLITIS IN INFANTS  | 32 |
| Бобомуратов Т.А., Маллаев Ш.Ш., Уринов А.Ф. КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СИСТЕМЫ ГЕМОСТАЗА У ДЕТЕЙ, РОЖДЕННЫХ С ГИПОКСИЧЕСКИ-ИШЕМИЧЕСКОЙ ЭНЦЕФАЛОПАТИЕЙ                    | Bobomuratov T.A., Mallaev Sh.Sh., Urinov A.F. CLINICAL AND IMMUNOLOGICAL CHARACTERISTICS OF CHANGES IN THE HEMOSTASIS SYSTEM IN CHILDREN BORN WITH HYPOXIC-ISCHEMIC ENCEPHALOPATHY (LITERATURE REVIEW) | 35 |
| Бобомуратов Т.А., Маллаев Ш.Ш., Бакирова М.А., Хошимов А.А. БОЛАЛАРДА ЯНГИ КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИСИДАН КЕЙИНГИ ТИКЛАНИШ ДАВРИ ҲУСУСИЯТЛАРИ   | Bobomuratov T.A., Mallaev Sh.Sh., Bakirova M.A., Khoshimov A.A. CHARACTERISTICS OF THE RECOVERY PERIOD AFTER A NEW CORONAVIRUS INFECTION IN CHILDREN   | 37 |
| Давлатжонова Н.М., Матякубова Ю.Р. ИНТЕГРАЛЬНАЯ ОЦЕНКА ПИТАНИЯ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА С УЧЕТОМ ИХ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ  | Davlatzhonova N.M., Matyakubova Yu.R. INTEGRATED ASSESSMENT OF NUTRITION OF PRESCHOOL CHILDREN, TAKING INTO ACCOUNT THEIR MORBIDITY  | 39 |
| Iskanova G.Kh., Karimdzhanov I.A., Togayev M.K., Xoltayeva F.F., Egamova S.Sh. PRIMARY PULMONARY HYPERTENSION IN CHILDREN   | Iskanova G.X., Karimdzhanov I.A., Tog'ayev M.K., Xoltayeva F.F., Egamova S.Sh. BOLALARDA BIRINCHI O'PKA GIPERTENSIYASI   | 42 |
| Karimova I.O., Yusupova U.U., Xudoyberganov M.R. BOLALARDA ICHAK PARAZITOLARIDA KELIB CHIQADIGAN MIKRONUTRIENTLAR TANQISLIGI HOLATI   | Karimova I.O., Yusupova U.U., Xudoyberganov M.R. THE STATE OF MICRONUTRIENT DEFICIENCY CAUSED BY INTESTINAL PARASITOSIS IN CHILDREN  | 45 |
| Маллаев Ш. Ш., Файзиев Н. Н. Эгамбердиев С.Б., Мухторов М.Г. ОПТИМИЗАЦИЯ ЛЕЧЕНИЯ ЮВЕНИЛЬНОГО ИДИОПАТИЧЕСКОГО АРТРИТА БИОЛОГИЧЕСКИМИ ПРЕПАРАТАМИ                                       | Mallaev Sh. Sh., Fayziev N. N. Egamberdiev S. B., Mukhtorov M. G. OPTIMIZATION OF TREATMENT OF JUVENILE IDIOPATHIC ARTHRITIS WITH BIOLOGICAL DRUGS   | 48 |

|   |  |     |
|---|--|-----|
| Матякубова Ю.Р., Давлатжоновна Н.М. МЕДИКО-САНИТАРНАЯ И КЛИНИКО-БИОХИМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ГЕЛЬМИНТОЗОВ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА, ПРОЖИВАЮЩИХ В УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ   | Matyakubova Yu.R., Davlatzhonova N.M. MEDICAL-SANITARY AND CLINICAL-BIOCHEMICAL CHARACTERISTICS OF HELMINTHIASIS IN PRESCHOOL CHILDREN LIVING IN THE KHOREZM REGION  | 52  |
| Машарипова Х.К. ЧАСТО БОЛЕЮЩИЕ ДЕТИ В ХОРЕЗМСКОМ РЕГИОНЕ  | Masharipova H.K. FREQUENTLY SICK CHILDREN IN THE KHOREZM REGION  | 54  |
| Миррахимова М.Х., Нишанбаева Н.Ю., Абдуллаева С.А. АТОПИЧЕСКИЙ ДЕРМАТИТ   | Mirrakhimova M.Kh., Nishanbaeva N.Yu., Abdullaeva S.A. ATOPIC DERMATITIS   | 57  |
| Мынбаев О.А., Идрисов К.С., Тажекова А.Д., Бобо-муратов Т.А., Бектенова Г.Е., Жанабаев Н.С., Кошим-бетова М.К., Сыздыков Б.Ш. ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, СПОСОБНЫЕ ОКАЗАТЬ ВЛИЯНИЕ НА НЕОНАТАЛЬНУЮ СМЕРТНОСТЬ В СТРАНАХ ПОСТСОВЕТСКОГО ПРОСТРАНСТВА | Mynbaev O.A., Idrisov K.S., Tazhekova A.D., Bobomuratov T.A., Bektenova G.E., Zhanabayev N.S., Koshimbetova M.K., Sizdikov B.Sh. ENVIRONMENTAL AND SOCIOECONOMIC FACTORS THAT CAN AFFECT NEONATAL MORTALITY IN THE POST-SOVIET COUNTRIES | 60  |
| Насирова Н.Р. ОСТРЫЙ ТОНЗИЛИТ У ДЕТЕЙ: ЭТИОЛОГИЯ, ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ, ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЕ  | Nasirova N.R. ACUTE TONSILLITIS IN CHILDREN: ETIOLOGY, COURSE CHARACTERISTICS, DIAGNOSIS, AND TREATMENT  | 69  |
| Нурматова Н.Ф., Хабибуллоева Б.Р., Каримова Н.А. КЛИНИКО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИНФЕКЦИИ МОЧЕВЫВОДЯЩИХ ПУТЕЙ У ДЕТЕЙ  | Nurmatova N.F., Khabibulloeva B.R., Karimova N.A. CLINICAL AND GENETIC FEATURES OF URINARY TRACT INFECTION IN CHILDREN   | 72  |
| Сагдуллаева М.А., Исламов С.И., Аvezова Г.С. МУДДАТИДАН ЎТГАН ҲОМИЛАДОРЛИК: ТАРҚАЛГАНЛИГИ, ЭТИОЛОГИЯ-СИ ВА ПАТОГЕНЕЗИ   | Sagdullaeva M.A., Islamov S.I., Avezova G.S. POST-TERM PREGNANCY: PREVALENCE, ETIOLOGY AND PATHOGENESIS  | 75  |
| Сагдуллаева М.А., Олимова Н., Мухаммадзокиров С. УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲОМИЛАДОРЛИК МУАММОСИГА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШ  | Sagdullaeva M.A., Olimova N., Muhammadzokirov S. PROLONG PREGNANCY: A MODERN VIEW ON THE PROBLEM   | 80  |
| Толипова Н.К., Латипова Ш.А., Тогаев М.К. СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ЛЕЧЕНИЮ ПНЕВМОНИИ У НЕДОНОШЕННЫХ ДЕТЕЙ   | Tolipova N.K., Latipova Sh.A., Togaev M.K. MODERN APPROACH TO THE TREATMENT OF PNEUMONIA IN PREMATURE INFANTS  | 83  |
| Хасанова М.И., Шайхова М.И. БОЛАЛАРДА НАФАС АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ  | Khasanova M.I., Shaykhova M.I. RESPIRATORY DISEASES IN CHILDREN AND PREVENTION METHODS   | 86  |
| Shamansurova E.A., Isaxanova N.X. TUG'MA YURAK NUQSONLARI RIVOJLANI MEKANIZMLARI VA TARQALISH DARAJASI  | Shamansurova E.A., Isakhanova N.Kh. MECHANISM OF DEVELOPMENT AND PREVALENCE OF CONGENITAL HEART DEFECTS.   | 89  |
| Shamsiyeva E.R., Sobirova G.N. BOLALARDA POSTKOVID SINDROMI   | Shamsieva E.R., Sobirova G.N. POSTCOVID SYNDROME IN CHILDREN   | 92  |
| Шамсиева Э.Р., Давлетова Ф.О. КЛИНИЧЕСКИЕ КРИТЕРИИ ТЕЧЕНИЯ БРОНХИОЛИТА У ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА   | Shamsiyeva E.R., Davletova F.O. CLINICAL CRITERIA FOR THE COURSE OF BRONCHIOLITIS IN YOUNG CHILDREN  | 94  |
| Шарипова С.М. КЛИНИКО-БИОХИМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЖЕЛТУХИ У НОВОРОЖДЕННЫХ, РОДИВШИХСЯ ОТ МАТЕРЕЙ С МЕТАБОЛИЧЕСКИМ СИНДРОМОМ  | Sharipova S. M. CLINICAL AND BIOCHEMICAL CHARACTERISTICS JAUNDICE IN NEWBORNS BORN FROM A MOTHER WITH METABOLIC SYNDROME   | 97  |
| Яхьяева К.З., Исраилова Н.А., Содикова Н.Б. ПРОФИЛАКТИКА ПОЧЕЧНОЙ ПАТОЛОГИИ У НОВОРОЖДЕННЫХ ДЕТЕЙ   | Yakhyaeva K.Z., Israilova N.A., Sodikova N.B. PREVENTION OF RENAL PATHOLOGY IN NEWBORNS  | 100 |
| <b>Экспериментальная биология и медицина</b>  |  |     |
| Кулиев О.А. ПОСТРЕАНИМАЦИОН ДАВРИДА ТУХУМ-ДОННИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР  | Kuliyev O.A. MORPHOFUNCTIONAL CHANGES IN THE OVARY IN THE POST-RESUSCITATION PERIOD  | 103 |
| Мухамеджанов А.Х. СУРУНКАЛИ ТОКСИК ГЕПАТИТЛИ ОНА КАЛАМУШЛАРДАН ТУФИЛГАН АВЛОДЛАР ЖИГАРИННИНГ ИЛК ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗИ   | Muxamedjanov A.X. EARLY POSTNATAL ONTOGENESIS OF THE LIVER IN THE OFFSPRING OF MOTHERS WITH CHRONIC TOXIC HEPATITIS  | 109 |

|   |  |     |
|---|--|-----|
| <i>Tulemetov S.K. MECHANISMS OF TOXIC EFFECT OF INTRAUTERINE AND EARLY POSTNATAL EXPOSURE TO PESTICIDES ON THE DEVELOPMENT OF THE IMMUNE SYSTEM OF THE OFFSPRING</i>  | <i>Tulemetov S.K. PESTISIDLARNING EMBRIONAL VA ERTA POSTNATAL DAVRDAGI TOKSIK TA'SIRINI IMMUN TIZIMI RIVOJLANISHIGA TA'SIR MEXANIZMLARI</i>  | 112 |
| <i>Тулеметов С.К. ВЛИЯНИЕ ХРОНИЧЕСКОЙ ТОКСИЧЕСКОЙ ИНТОКСИКАЦИИ ПЕСТИЦИДАМИ МАТЕРИНСКОГО ОРГАНИЗМА НА ПОСТНАТАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ ИММУННОЙ И ЭНДОКРИННОЙ СИСТЕМ ПОТОМСТВА</i>   | <i>Tulemetov S.K. INFLUENCE OF CHRONIC TOXIC INTOXICATION WITH PESTICIDES OF THE MATERNAL ORGANISM ON POSTNATAL DEVELOPMENT OF THE IMMUNE AND ENDOCRINE SYSTEMS OF THE OFFSPRING</i>   | 115 |
| <b>Клиническая медицина</b>   |  |     |
| <i>Абдужалилова М.Ш. ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МАГНИЙ В<sub>6</sub> У ДЕТЕЙ С БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМОЙ</i>   | <i>Abdujalilova M.Sh. EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF MAGNESIUM В<sub>6</sub> IN CHILDREN WITH BRONCHIAL ASTHMA</i>   | 119 |
| <i>Абдуллаева М.М. СОСТОЯНИЕ ЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ У ДЕТЕЙ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19</i>   | <i>Abdullayeva M.M. THYROID GLAND IN CHILDREN WHO HAVE SUFFERED COVID-19</i>   | 122 |
| <i>Авезова Г.С., Бобомуратов Т.А., Маткаримова Д.С., Султанова Н.С., Маллаев Ш.Ш. ГЕМОРРАГИЧЕСКИЙ ВАСКУЛИТ У ДЕТЕЙ</i>  | <i>Avezova G.S., Bobomuratov T.A., Matkarimova D.S., Sultanova N.S., Mallaev Sh.Sh. HEMORRHAGIC VASCULITIS IN CHILDREN</i>   | 125 |
| <i>Авезова Г.С., Отабева Ш.Ш., Султанова Н.С., Хабидуллоева Б.Р. ЭФФЕКТИВНОСТЬ «АДАПТИВНОЙ ФИЗКУЛЬТУРЫ» В ЛЕЧЕНИИ ДЕТЕЙ С ХРОНИЧЕСКОЙ ПАТОЛОГИЕЙ ОРГАНОВ ДЫХАНИЯ</i>  | <i>Avezova G.S., Otabeva Sh.Sh., Sultanova N.S., Khabibulloeva B.R. EFFECTIVENESS OF "ADAPTIVE PHYSICAL ACTIVITY" IN THE TREATMENT OF CHILDREN WITH CHRONIC PATHOLOGY OF THE RESPIRATORY ORGANS</i>  | 129 |
| <i>Алиева П.Р., Машарипова Р.Т. ОСОБЕННОСТИ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ И ИММУННАЯ РЕГУЛЯЦИЯ СИСТЕМЫ ГЕМОСТАЗА У ДЕТЕЙ С ОСТРЫМИ БРОНХОЛЕГОЧНЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ С РАЗЛИЧНЫМИ ЭКОЛОГИЧЕСКИМИ УСЛОВИЯМИ ПРОЖИВАНИЯ</i>  | <i>Alieva P.R., Masharipova R.T. FEATURES OF CLINICAL COURSE AND IMMUNE REGULATION OF THE HEMOSTATIC SYSTEM IN CHILDREN WITH ACUTE BRONCHOPULMONARY DISEASES WITH VARIOUS ECOLOGICAL RESIDENCE CONDITIONS</i>  | 133 |
| <i>Андарпулатов А.А., Азизова Н. Д., Шамсиев Ф.М. КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА У ДЕТЕЙ С ВРОЖДЕННЫМИ ПОРОКАМИ СЕРДЦА И ПНЕВМОНИЕЙ</i>   | <i>Andapulatov A.A., Azizova N. D., Shamsiev F.M. CLINICAL AND DIAGNOSTIC CHARACTERISTICS IN CHILDREN WITH CONGENITAL HEART DEFECTS AND PNEUMONIA</i>  | 137 |
| <i>Anikeeva N.A., Belykh N.A., Lashko A.Yu., Karimov Yu.D., Smetanina E.A., Fokicheva N.N., Faletrov M.V., Avezova G.S., Sultanova N.S., Mallaev Sh.Sh. DILATED CARDIOMYOPATHY AGAINST THE BACKGROUND OF CENTRNUCLEAR MYOPATHY TYPE 5 IN AN 8-YEAR-OLD CHILD: A CLINICAL CASE</i> | <i>Anikeeva N.A., Belykh N.A., Lashko A.Yu., Karimov Yu.D., Smetanina E.A., Fokicheva N.N., Faletrov M.V., Avezova G.S., Sultanova N.S., Mallaev Sh.Sh. 8 YOSHLI BOLADA 5-TURLI TETRNUKLEAR MIOPATIYA TUTARBIYASI DILATATION KARDIOMIOPATIYASI: KLINIK HOLAT</i> | 141 |
| <i>Атажанов Х.П., Оллаберганова Ш.М. ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДАГИ МУКОВИСЦИДОЗЛИ БОЛАЛАРДА БРОНХ-ЎПКА ПАТОЛОГИЯСИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИ</i>  | <i>Atajanov Kh.P., Ollaberganova Sh.M. EFFICIENCY OF COMPLEX TREATMENT OF BRONCHOPULMONARY PATHOLOGY IN CHILDREN WITH CYSTIC FIBROSIS IN THE ARAL SEA REGION</i>   | 146 |
| <i>Bobomuratov T.A., Akhmadaliev N.O., Imamova A.O. THE INFLUENCE OF HYGIENIC FACTORS ON THE HEALTH OF FREQUENTLY ILL CHILDREN</i>  | <i>Bobomuratov T.A., Akhmadaliev N.O., Imamova A.O. TEZ-TEZ KASAL BO'LUVCHI BOLALAR SALOMATLIGIGA GIGIENIK OMILLARNING TA'SIRI</i>   | 151 |
| <i>Бобомуратов Т.А., Шарипова О.А., Бахронов Ш.С. РОЛЬ ПОЛИМОРФИЗМА C589T ГЕНА IL-4 ПРИ РЕЦИДИВИРУЮЩИХ БРОНХИТАХ У ДЕТЕЙ С ТИМОМЕГАЛИЕЙ</i>   | <i>Bobomuratov T.A., Sharipova O.A., Bakhrinov Sh.S. ROLE OF IL-4 GENE C589T POLYMORPHISM IN RECURRENT BRONCHITIS IN CHILDREN WITH THYMOMEGALY</i>   | 154 |
| <i>Бобомуратов Т.А., Шарипова Д.Ж., Нурматова Н.Ф. КЛИНИКО-ЛАБОРАТОРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ВОССТАНОВИТЕЛЬНОГО ПЕРИОДА У ДЕТЕЙ, ПЕРЕНЕСШИХ КОРОНАВИРУСНУЮ ИНФЕКЦИЮ</i>  | <i>Bobomuratov T.A., Sharipova D.J., Nurmatova N.F. CLINICAL AND LABORATORY FEATURES OF THE RECOVERY PERIOD AFTER CORONAVIRUS INFECTION IN CHILDREN</i>  | 158 |

|   |  |     |
|---|--|-----|
| <i>Bobomuratov T.A., Yusupova U.U. FEATURES OF CLINICAL COURSE AND IMMUNE REGULATION OF THE HEMOSTATIC SYSTEM IN CHILDREN WITH ACUTE BRONCHOPULMONARY DISEASES WITH VARIOUS ECOLOGICAL RESIDENCE CONDITIONS</i> | <i>Bobomuratov T.A., Yusupova U.U. TURLI EKOLOGIK HAYOT SHARTLARI BO'LGAN O'TKIR BRONXOPULMONAAR KASALLIKLARDA GEMOSTAZ TIZIMINING KLINIK KURS VA IMMUNORGULLANISHI XUSUSIYATLARI.</i>                 | 164 |
| <i>Bobomuratov T.A., Mallayev Sh.Sh., Fayziev N.N., Egamberdiev S.B., Muxtorov M.G. SHIFOXONADAN TASHQARIZOTILJAMBILAN KASALLANGAN BOLALARDA GEMOSTAZ TIZIMINING O'ZGARISHLARIDA GEN POLIMORFIZMINING ROLI</i>  | <i>Bobomuratov T.A., Mallayev Sh.Sh., Fayziev N.N., Egamberdiev S.B., Muxtorov M.G. ROLE OF GENE POLYMORPHISM IN CHANGES IN THE HEMOSTASIS SYSTEM IN CHILDREN WITH COMMUNITY ACQUIRED PNEUMONIA</i>    | 168 |
| <i>Бобомуратов Т.А., Маллаев Ш.Ш., Файзиев Н.Н., Эгамбердиев С.Б., Мухторов М.Г. РОЛЬ ГЕНЕТИЧЕСКОГО ПОЛИМОРФИЗМА PAI-1 В ТЯЖЕЛОМ ТЕЧЕНИИ ВНЕБОЛЬНИЧНОЙ ПНЕВМОНИИ</i>  | <i>Bobomuratov T.A., Mallaev Sh.Sh., Fayziev N.N., Egamberdiev S.B., Mukhtorov M.G. ROLE OF GENETIC POLYMORPHISM PAI-1 IN SEVERE COMMUNITY-ACQUIRED PNEUMONIA</i>                                      | 172 |
| <i>Бобомуратов Т.А., Маллаев Ш.Ш., Файзиев Н.Н., Эгамбердиев С.Б., Мухторов М.Г., Юсупова З.А. РОЛЬ ГЕННОГО ПОЛИМОРФИЗМА В РАЗВИТИИ ЮВЕНИЛЬНОГО РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА У ДЕТЕЙ</i>                               | <i>Bobomuratov T.A., Mallaev Sh.Sh., Fayziev N.N., Egamberdiev S.B., Mukhtorov M.G., Yusupova Z.A. ROLE OF GENE POLYMORPHISM IN THE DEVELOPMENT OF JUVENILE RHEUMATOID ARTHRITIS IN CHILDREN</i>       | 175 |
| <i>Бобомуратов Т., Маллаев Ш.Ш., Уринов А.Ф., Юсупова З.А. КЛИНИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЮВЕНИЛЬНОГО ИДИОПАТИЧЕСКОГО АРТРИТА У ДЕТЕЙ</i>  | <i>Bobomuratov T.A., Mallaev Sh.Sh., Urinov A.F., Yusupova Z.A. CLINICAL FEATURES OF JUVENILE IDIOPATHIC ARTHRITIS IN CHILDREN</i>   | 179 |
| <i>Бобомуратов Т.А., Самадов А.А. БОЛАЛАРДА НЕФРОТИК СИНДРОМДА ГАСТРОДУОДЕНАЛ КАСАЛЛИКЛАРНИ ТАШХИСЛАШ</i>   | <i>Bobomuratov T.A., Samadov A.A. DIAGNOSIS OF GASTRODUODENAL DISEASES IN NEPHROTIC SYNDROME IN CHILDREN</i>   | 182 |
| <i>Бобомуратов Т.А., Султанова Н.С., Аvezова Г.С., Отабоева Ш.Ш., Ташпулатова Г.К. ОЗИҚЛАНТИРИШ ТУРЛАРИ БИЛАН ФАРҚЛАНАДИГАН БОЛАЛАРНИНГ ПСИХОФИЗИОЛОГИК РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ</i>              | <i>Bobomuratov T.A., Sultanova N.S., Avezova G.S., Otaboeva Sh.Sh., Tashpulatova G.K. PSYCHOPHYSIOLOGICAL DEVELOPMENT OF CHILDREN WITH DIFFERENT TYPES OF NUTRITION AND THEIR COMPARATIVE ANALYSIS</i> | 187 |
| <i>Бобомуратов Т.А., Султанова Н.С., Аvezова Г.С., Маллаев Ш.Ш. ПОКАЗАТЕЛИ ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ДЕТЕЙ ПРИ РАЗЛИЧНЫХ ВИДАХ ВСКАРМЛИВАНИЯ</i>   | <i>Bobomuratov T.A., Sultanova N.S., Avezova G.S., Mallaev Sh.Sh. DYNAMICS OF CHILDREN'S PHYSICAL DEVELOPMENT INDICATORS UNDER DIFFERENT TYPES OF FEEDING</i>  | 191 |
| <i>Бобомуратов Т.А., Турсунбаев А.К., Каримова Н.А., Нурматова Н.Ф. ПРОЯВЛЕНИЯ ПОСТКОВИДНОГО СИНДРОМА У ДЕТЕЙ</i>   | <i>Bobomuratov T.A., Tursunbaev A.K., Karimova N.A., Nurmatova N.F. BOLALARDA POST-COVID SINDROMINING NAMOYON BO'LISHI</i>   | 195 |
| <i>Владимирова Ю.В., Мазур Л.И., Жирнов В.А. ВЗАИМОСВЯЗЬ ИЗБЫТОЧНОЙ МАССЫ ТЕЛА И ПЛОСКОСТОПИЯ У ДЕТЕЙ НА ФОНЕ ОСТРОЙ ВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ</i>  | <i>Vladimirova Yu.V., Mazur L.I., Zhirnov V.A. THE RELATIONSHIP BETWEEN EXCESS BODY WEIGHT AND FLAT FEET IN CHILDREN AGAINST ACUTE VIRAL INFECTION</i>   | 200 |
| <i>Ганиев А.Г., Аvezова Г.С., Хабибуллоева Б.Р. КАЧЕСТВЕННОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ МАТЕРЕЙ ДЕТЕЙ С АТОПИЧЕСКИМ ДЕРМАТИТОМ: ЭМОЦИОНАЛЬНЫЕ И СОЦИАЛЬНЫЕ ПОСЛЕДСТВИЯ</i>  | <i>Ganiev A.G., Avezova G.S., Khabibulloyeva B.R. QUALITATIVE RESEARCH OF MOTHERS OF CHILDREN WITH ATOPIC DERMATITIS: EMOTIONAL AND SOCIAL CONSEQUENCES</i>  | 203 |
| <i>Ганиева М.Ш., Ганиев О.К. АНАЛИЗ ПРИЧИННЫХ ФАКТОРОВ СРЕДИ ЧАСТО БОЛЕЮЩИХ ДЕТЕЙ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ</i>   | <i>Ganieva M.Sh., Ganiev O.K. ANALYSIS OF CAUSAL FACTORS AMONG FREQUENTLY ILL CHILDREN IN ANDIJAN REGION</i>   | 209 |



## ОЗИҚЛАНТИРИШ ТУРЛАРИ БИЛАН ФАРҚЛАНАДИГАН БОЛАЛАРНИНГ ПСИХОФИЗИОЛОГИК РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Бобомуратов Т.А., Султанова Н.С., Авезова Г.С., Отабоева Ш.Ш., Ташпулатова Г.К.

## ПСИХОФИЗИОЛОГИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ДЕТЕЙ С РАЗНЫМИ ВИДАМИ ПИТАНИЯ И ИХ СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

Бобомуратов Т.А., Султанова Н.С., Авезова Г.С., Отабоева Ш.Ш., Ташпулатова Г.К.

## PSYCHOPHYSIOLOGICAL DEVELOPMENT OF CHILDREN WITH DIFFERENT TYPES OF NUTRITION AND THEIR COMPARATIVE ANALYSIS

Bobomuratov T.A., Sultanova N.S., Avezova G.S., Otaboeva Sh.Sh., Tashpulatova G.K.

Тошкент тиббиёт академияси, Бекобод Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми

**Цель:** динамическое исследование и анализ психофизиологического развития детей, находящихся на грудном и искусственном вскармливании. **Материал и методы:** научно-клиническое наблюдение за 650 детьми со дня их рождения до 7-летия проводилось в перинатальном центре №1 города Ташкента (катамнести-ческое наблюдение). 58 детей 6-7 лет из нашего контроля также были обследованы по методу Керна – Йирасека. **Результаты:** молоко матери обеспечивает нормальное развитие ребенка, психически и психофизиологически готовит почву для школьного обучения. Однако можно ожидать, что большинство детей, лишенных грудного вскармливания молоком матери в младенчестве по разным причинам, будут иметь значительные отклонения в умственном и психофизиологическом развитии.

**Ключевые слова:** материнское молоко, грудное молоко, дети, искусственное вскармливание, естественное вскармливание, психофизиологическое развитие.

**Objective:** Dynamic study and analysis of the psychophysiological development of breastfed and bottle-fed children. **Materials and methods:** Scientific and clinical observation of 650 children from the day of their birth to their 7th birthday was carried out in the perinatal center No. 1 of the city of Tashkent (follow-up observation). 58 children aged 6-7 years from our control were also examined using the Kern – Jirasek method. **Results:** Mother's milk ensures the normal development of the child and mentally and psychophysiological prepares the ground for schooling. However, it can be expected that the majority of children deprived of breastfeeding with mother's milk in infancy for various reasons will have significant deviations in mental and psychophysiological development.

**Key words:** mother's milk, breast milk, children, artificial feeding, natural feeding, psychophysiological development.

Боланинг жисмоний ва ақлий ривожланишида она сутининг аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги кўпчиликлари маълум. Айнан чақалоқлик даври ривожланиши ва барча аъзоларининг шаклланиши жадаллашган бир даврки, киши умрининг охиригача бошқа шу каби ривожланиш тезлигини бошидан кечирмайди. Шу сабабли, айнан шу пайтда муъжаз организмнинг тўлиқ ва мукамал ривожланишига хавф соладиган ташқи омиллардан бири – бу уни озиқлантириш тури ва сифатидир. Аксарият болалар ўлими, ҳар хил касалликларга чалиниши, нимжон бўлиб ўсиши ва бошқа касаллик ва камчиликларнинг пайдо бўлишида тўғри озиқлантирилмаганлиги ҳам сабаб бўлади. Айнан чақалоқлик даврида инсон ривожланишининг кейинги - интеллектуал, ижтимоий ва ҳиссий қобилиятларининг шаклланишига замин тайёрланади.

Боланинг билиш жараёнлари ва эмоционал муносабатлари ҳаётининг биринчи кунларидан бошлаб шаклланади ва ривожлана бошлайди. Нотўғри озиқлантириш эса, унинг психологик ва нейрофизиологик ривожланиш жараёнига салбий таъсир этиб ҳар хил нуқсонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, ҳаракатларининг, хусусан, юриб кетишининг кечикиши, билиш жараёнларининг сусайиши, хатти-ҳаракатларида турли муаммоларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий кўникма-

ларнинг кечикиши ёки ривожланмаганлиги, диққатини бир нуқтага жамлай олмаслиги, хотирасининг сустлиги, сўз кўламининг торлиги ва шуларнинг оқибатида мактаб таълимини талаб даражасида ўзлаштири олмаслиги ва бошқа шу кабиларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин [1].

Она сути билан озиқлантирилганда она ва бола орасида эмоционал муносабатлар тўлиқ ва мукамал шаклланади, боланинг билиш жараёнларини фаоллаштиради, она меҳрига нисбатан интилиш, кутиш, ундан завқланиш ҳиссини уйғатади. Шу сабабли она сути билан озиқланадиган болада онаси билан бўладиган муносабатларига, меҳрига нисбатан интилиш ва билиш мотивлари шаклланади.

Шу билан бирга, ва бу энг муҳими, она сути ноёб таркибга эга бўлиб, уни бошқа таркибдаги озиқа билан алмаштириб бўлмайди. Чунки, она сути айнан шу она ва бола бирлигини таъминлайди ва она қорнидалигида бола олиши керак бўлган ўзига хос таркиб ва миқдордаги оқсил, гормонлар, микроэлементлар ва барча бошқа озиқаларга бой бўлади. Шунинг учун она сути айнан шу боланинг туғилгандан кейинги биринчи кундан бошлаб она бағридаги ҳаётини безарар давом эттиришини таъминлайди. Яъни ҳар бир боланинг озиқаси ўз онасининг сутида такрорланмас таркибда бор бўлади. Шу сабабли бу сутни бошқа

онанинг сути ёки сунъий сут билан алмаштирилганда бола миясининг ниҳоятда нозик ривожланишини камтик қилиб қўйиши муқаррар. Агар биз бошқа мавжудларнинг болалари билан қиёслайдиган бўлсак, одам боласи чақалоқлик даврида жуда ночор ва ожиз туғилган бўлади. У ўзини эплаш нари турсин, агар тегишли ижтимоий муҳит ва инсоният тарихида яратилган бой тажриба дояларда бўлмаганда эди, бола онадан ажралмай ҳалок бўлиши мумкин эди. Бундан келиб чиқадики, бола туғилганда она қорнидагидек ривожланишини ва ўз онасидан озиқаланишни давом эттиравериши лозим бўлади. Камида яна олти ой давомида у ўз онасини эмиши, шундан кейингина қўшимча озиқа бериб, секин-асталик билан мустақил, яъни онага боғлиқ бўлмаган озиқалардан фойдаланишга ўргатиб бориш керак бўлади.

Шунга қарамай болани чақалоқлик даврида бошқача усулларда озиқалантириш ҳолларини кузатиш мумкин. Бу усулларнинг қанчалик салбий ёки ижобий оқибатларга олиб келиши тадқиқотларда етарлича кўрсатилган эмас. Лекин, бола ўз ривожланишининг дастлабки кунларидан бошлаб тўғри овқатлантирилишига ниҳоятда сезгир бўлади. Шуларни назарга олиб, она сути билан эмизилган ва бошқа усулларда озиқалантирилган болаларнинг кейинги ижтимоий, интеллектуал ва жисмоний ривожланишларини кузатиш ва тегишли илмий маълумотлар олиш мақсадида махсус тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳар 1-сон перинатал Марказда 650 нафар боланинг туғилган кунидан бошлаб 7 ёшга тўлгунгача бўлган даврида илмий-клиник кузатувлар олиб борилди (катамнестик кузатув). Бу тадқиқотларнинг асосий мақсади она соғлиги, болага яратилган муҳит, уларнинг бола ривожланишига таъсири ўрганилди ва тегишли барча клиник ҳамда лаборатория маълумотлари тўпланди. Катамнестик кузатув, асосан, патронаж усулида, вақти-вақти билан, режа асосида бевосита врачлар кўригидан ўтказиш усулида, баъзан телефон орқали, соғлиги, аҳволи ҳақида ахборот олиш усулида ҳар бир боланинг ривожланиш тарихи қайд қилиб борилди.

Бизнинг назоратимизда бўлган болалардан 58 нафар 6-7 ёшли бола Керн-Йирасек методи бўйича ҳам тадқиқотлардан ўтказилди. Ушбу мақола айнан шу болаларнинг Керн – Йирасек методикаси натижалари таҳлилига бағишланган. Маълумки, ушбу мето-

дика 1978 йилда чехословакиялик олим Я. Йирасек томонидан немис олими А. Керн таклиф этган мактаб таълимига яроқлилик тестини қайта ишлаб тўлдирган ҳолда тавсия этилган эди(3). Методика, муаллиф талқинида, тўрт қисмдан иборат: улардан учтаси боланинг психофизиологик ривожланганлик даражасини баҳоласа, тўртинчи топшириқ 20 саволдан иборат бўлган вербал тест ҳисобланади. Муаллиф тестни ўтказиш техникаси ва ҳар бир тестдан олинган натижа ҳамда мажмуавий баҳолаш мезонларини келтиради. Бу тест ўтган 30 йил давомида ўзининг ҳаётийлигини ва ҳаққоний маълумот беришини исбот этиб келмоқда. Керн-Йирасек деб ном олган бу тест деярли барча Европа мамлакатларида маълум ва машҳурдир. Лекин тест бизга рус тилида етиб келганлиги сабабли уни миллийлаштириш ва ўзбек миллий муҳитига мослаштириш ҳамда стандарт нормалар олиш ишлари 2001 йилда проф. Б.Р.Қодиров бошчилигидаги тадқиқотчилар томонидан амалга оширилди [4].

Биз ўз ишимизда айнан Б.Р.Қодиров таклиф этган тест вариантдан фойдаландик [6], чунки ўзбекчалаштирилганда тестнинг вербал қисмига анча ўзгартиришлар киритилган ва энг муҳими, миллий муҳит талаблари инobatга олиниб, тестнинг баҳолаш тизими ўзгартирилган. Шуларни назарга олиб, айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда мактабгача ёшдаги болаларнинг психофизиологик етуклигини текширадиган ягона ишончли тест ҳисобланади [5].

Тадқиқот мақсадига биноан 58 нафар болаларнинг чақалоқлик пайтларида қандай озиқалантирилганликларига қараб уч гуруҳга ажратилдилар. Булар: 1. Фақат она сути билан эмизилган болалар гуруҳи – 29 киши; 2. Аралаш озиқалантирилган болалар гуруҳи. Бунда она сути билан бирга албатта ҳар хил сунъий тайёрланган озуқалар – сунъий сут, бўтқалар, сигир сути ва бошқалар берилган – 11 киши; 3. Она сутсиз, фақат сунъий озиқалантирилган болалар гуруҳи – 18 киши.

Ушбу болаларнинг барчаси, қайси гуруҳга тегишли бўлишларига қарамасдан, бир хил тартибда, методика талабларига биноан Керн – Йирасек тестидан ўтказилдилар ва ҳар бир болага олинган маълумотлар қайта ишланиб, ҳарбир тестдан индивидуал баҳолари чиқарилди.

### 1-жадвал

Олинган умумий тажрибавий натижалар қуйидаги жадвалда ўз аксини топди:

| Кўрсаткичлар | Ўрт. Ар. қийм. | Сигма | Асимм. | Эксцесс |
|--------------|----------------|-------|--------|---------|
| Эркак расми  | 3.41           | 0.91  | -0.51  | -0.34   |
| Ёзув         | 3.31           | 1.39  | -0.06  | 1.41    |
| Нуқталар     | 3.60           | 1.21  | -0.09  | -1.57   |
| Вербал тест  | 3.31           | 1.49  | 0.08   | -1.52   |
| :fvb         | 13.46          | 4.61  | -0.03  | -1.52   |

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи болаларидан олинган миқдорий кўрсаткичлар тўлиқ нормал тақсимланиш талабларига жавоб беради ва, демак, методика айнан шу ёшли болалар минталитети ва миллий хусусиятларига мос келади. Бунга

асос қилиб тўрттала бирламчи тестларнинг асимметрия ва эксцесс кўрсаткичлари 0 ва 2 атрофида бўлиб, 3 дан ошмаганлигини келтиришимиз мумкин.

Лекин болаларни юқорида келтирилган тартибда уч гуруҳга ажратиб, уларнинг Керн – Йирасек

методикаси бўйича олинган натижалари қиёсий-статистик усуллар билан таҳлил қилинса, бола ақлий ривожланишида озиқалантириш турининг аҳамияти юзага чиқиб қолади.

Қуйида, 2-жадвалда сунъий озиқалантирилган болалар гуруҳи (18 киши) билан аралаш озиқалантирилган болалар гуруҳининг Керн – Йирасек методикаси бўйича олинган натижалари ҳар бир кўрсаткич доирасида таққосланган.

2-жадвал

| Тестлар      | Гуруҳлар   | Болалар сони | Ўртача балл | Сигма | Стъюдент мезони – t | Ишонч даражаси |
|--------------|------------|--------------|-------------|-------|---------------------|----------------|
| Эркак расми  | сунъий оз. | 18           | 2.94        | 0.87  | 0.38                | -              |
|              | аралаш оз. | 11           | 2.82        |       |                     |                |
| Ёзув         | сунъий оз. | 18           | 2.39        | 1.04  | 0.07                | -              |
|              | аралаш оз. | 11           | 2.36        | 0.92  |                     |                |
| Нуқталар     | сунъий оз. | 18           | 2.67        | 0.91  | -0.91               | -              |
|              | аралаш оз. | 11           | 3.00        | 1.00  |                     |                |
| Вербал тест. | сунъий оз. | 18           | 2.11        | 0.76  | -0.47               | -              |
|              | аралаш оз. | 11           | 2.27        | 1.10  |                     |                |
| Жами         | сунъий оз. | 18           | 10.11       | 2.83  | -0.27               | -              |
|              | аралаш оз. | 11           | 11.45       | 3.39  |                     |                |

Кўриниб турибдики, бу гуруҳларнинг Стъюдент t-мезони ишонч даражасидан паст, яъни гуруҳларнинг ўртача қийматлари орасидаги тафовут ишонч даражасида эмас. Бундан хулоса қилиниши мумкинки, озиқалантиришнинг бу икки тури бир хил таъсир этади ва улар орасида сезиларли фарқ йўқ.

Навбатдаги жадвал 3 да сунъий озиқалантирилган болалар гуруҳи (18 киши) билан фақат она сути

эмиб катта бўлган болалар гуруҳи (29 киши) натижаларининг тегишли кўрсаткичлари ўзаро таққосланган. Бу гуруҳлардаги болаларнинг ҳар бир кўрсаткич бўйича ўртача қийматлари ўзаро фарқ қилганликлари сабабли, Стъюдент мезони юқори кўрсаткични ва ишонч даражаси  $p < 0.001$  ни кўрсатмоқда.

Жадвал 3

| Тестлар     | Гуруҳлар   | Болалар сони | Ўртача балл | Сигма | Стъюдент мезони – t | Ишонч даражаси |
|-------------|------------|--------------|-------------|-------|---------------------|----------------|
| Эркак расми | сунъий оз. | 18           | 2.94        | 0.87  | -4,43               | 0,001          |
|             | аралаш оз. | 29           | 2.93        | 0.65  |                     |                |
| Ёзув        | сунъий оз. | 18           | 2.39        | 1.04  | -5.77               | 0,001          |
|             | аралаш оз. | 29           | 4.24        | 1.10  |                     |                |
| Нуқталар    | сунъий оз. | 18           | 2.67        | 0.91  | -6.60               | 0,001          |
|             | аралаш оз. | 29           | 4.41        | 0.87  |                     |                |
| Вербал тест | сунъий оз. | 18           | 2.11        | 0.76  | -5.73               | 0,001          |
|             | аралаш оз. | 29           | 4.10        | 1.35  |                     |                |
| Жами        | сунъий оз. | 18           | 10.11       | 2.83  | -6.63               | 0,001          |
|             | аралаш оз. | 29           | 16.69       | 3.57  |                     |                |

Бу, шубҳасиз тафовутнинг психологик мазмуни шундаки, фақат она сути билан озиқалантирилган болаларнинг ақлий ва психофизиологик ривожланиш даражаси 6-7 ёшлар атрофида барча сунъий озиқалантирилган болалардан ижобий фарқ қилар, экан.

Худди шундай натижалар жадвал 4 да акс эттирилган. Бу жадвалда аралаш озиқалантирилган болалар гуруҳи (11 киши) билан фақат она сути бериб эмизилган болалар гуруҳининг Керн-Йирасек методикасидаги тегишли кўрсаткичлари ўзаро таққосланган.

Ушбу жадвалдаги ўртача қиймат натижаларига диққат қилинса, кўриниб турибдики, фақат она сути билан катта бўлган болалар гуруҳининг натижалари аралаш озиқалантирилган болаларнинг натижаларидан баланд. Шу сабабли Стъюдент мезони кўрсаткичлари ҳарбир бешала ҳолатда ҳам юқори ишонч даражасидаги тафовутни кўрсатмоқда ( $p < 0.001$ ).

Булардан бевосита келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, она сути боланинг нормал ривожланишини таъминлайди, унинг ақлий ва психофизиологик жиҳатдан мактаб таълимига етилишига

замин тайёрлайди. Лекин она сути билан чақалоқлик даврида ҳар хил сабаблар билан эмизилишдан маҳрум бўлган болаларнинг аксариятида сезиларли даражада ақлий ва психофизиологик ривожланишида камчиликлар бўлишини кутиш мумкин.

Мактаб таълими ва боланинг унга тайёр бўлиши жуда катта, нафақат ижтимоий-иқтисодий масала, балким, бу тиббий-гигиеник ҳамда психологик муаммо эканлиги ушбу тадқиқот натижалари кўрсатиб турибди. Бола тарбиясига биринчи кундан бошлаб онгли ва илмий асосланган ҳолда ёндошув, шубҳасиз соғлом ва баркамол авлод тарбиясининг гаровидир.

#### Адабиётлар

1. Региональные публикации ВОЗ, Европейская серия, №87 (Кормление и питание грудных детей и детей раннего возраста) Kim Fleischer Michaelsen, Lawrence Weaver;
2. Kennel, J.H. & Klaus, M.H. Early mother-infant contact. Effects on the mother and the infant. Bulletin of the Menninger Clinic, 43: 69-78 (1979)
3. Ярослав Йирасек. Проблемы школьной зрелости. В сб.: Диагностика психического развития. Йозеф Шванцара и коллектив. Прага, Авиценум. Медицинское издательство. 1978, стр. 251-261.
4. Қодиров Б.Р., Игнатъев Н.А., Қодиров К.Б. Керн – Йирасек услубини маҳаллий амалиётга мослаштириш тўғрисида. Ўзбекистон тиббиёт журнали. №1.2001, 34-39 бб.
5. «Кукрак сути билан бокиш» UNICEF, НИИ Педиатрия. Ташкент 2024;
6. «Консультирование по грудному вскармливанию» WHO/CDR/95.11
7. «Основы ухода за новорожденными и грудное вскармливание» Региональное Европейское Бюро Всемирной Организации Здравоохранения; Представительство ЮНИСЕФ в Центральной Азии и Казахстане 1997 г
8. Бобомуратов Т. А., Султанова Н. С., Бакирова М. А. Соматический статус детей в зависимости от вида вскармливания и принципов ухода до пубертатного возраста. Электронный инновационный вестник №1 – 2021, -стр 37-39.
9. Султанова Н.С. Indicators of physical development of children depending on applied care methodology. «Тиббиётда янги кун» №2 (34/1), апрель 2021, стр 153-156.
10. Bobomuratov T. A., Sultanova N S. Показатели иммунологического статуса у детей в разные периоды жизни в за-

висимости от методов ухода. Международной научно-практической конференции по теоретическим и практическим проблемам биологии и медицины, 2021, №1.1 (126).

11. Бобомуратов Т.А., Султанова Н.С. Indicators of physical development of children depending on applied care methodology. «Тиббиётда янги кун» №2 (34/1), апрель 2021, стр 153-156.

12. Султанова Н.С., Бобомуратов Т.А., Камалов З.С. Сравнительный анализ иммунологических показателей у детей в разные периоды жизни. «Журнал теоретической и клинической медицины», №2, 2021 г, стр 111-113.

#### ОЗИҚЛАНТИРИШ ТУРЛАРИ БИЛАН ФАРҚЛАНАДИГАН БОЛАЛАРНИНГ ПСИХОФИЗИОЛОГИК РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Бобомуратов Т.А., Султанова Н.С., Авезова Г.С., Отабоева Ш.Ш., Ташпулатова Г.К.

**Мақсад:** она сути билан озиқлантирилган ҳамда сунғий озиқлантирилган болаларнинг психофизиологик ривожланишини динамикада ўрганиш ва таҳлил қилиш. **Материал ва усуллар:** Тошкент шаҳар 1-сон перинатал Марказда 650 нафар боланинг туғилган кундан бошлаб 7 ёшга тўлгунгача бўлган даврида илмий-клиник кузатувлар олиб борилди (катамнестик кузатув). Бизнинг назоратимизда бўлган болалардан 58 нафар 6-7 ёшли бола Керн – Йирасек методи бўйича ҳам тадқиқотлардан ўтказилди. **Натижалар:** она сути боланинг нормал ривожланишини таъминлайди, унинг ақлий ва психофизиологик жиҳатдан мактаб таълимига етилишига замин тайёрлайди. Лекин она сути билан чақалоқлик даврида ҳар хил сабаблар билан эмизилишдан маҳрум бўлган болаларнинг аксариятида сезиларли даражада ақлий ва психофизиологик ривожланишида камчиликлар бўлишини кутиш мумкин.

**Калит сўзлар:** она сути, кукрак сути, болалар, сунғий озиқлантириш, табиий озиқлантириш, психофизиологик ривожланиш.

